

ДИҚҚАТ ЭЪЛОН! Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги ЎРҚ-537-сон Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги "Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 259-сонли қарорига асосан, "Йўлбарс тех" МЧЖ томонидан Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, Яйпан шаҳарчаси "А.Навоий" кўчасида жойлашган "Хунармандлар маркази"да қўлда шойи матолар шу жумладан аъло баҳмал тўқишини давлат-хусусий шериклик асосида ташкил қилиш бўйича ташаббус таклифи, шу жумладан, лойиҳа концепцияси тақдим этилган.

Мазкур лойиҳа доирасида Ўзбекистон тумани, Яйпан шаҳарчаси "А.Навоий" кўчасида жойлашган "Хунармандлар маркази"да қўлда шойи матолар шу жумладан аъло баҳмал тўқишини ташкил қилиш режалаштирилган.

Тендерда қатнашиш учун тадбиркорлар томонидан қизиқиш билдириш учун сўров ва тендер таклифларини 2022 йил 22 сентябрь кунига қадар Тошкент вақти билан 18:00 гача топширилиши керак.

Қизиқиш билдириш учун сўров шакли

Лойиҳа концепцияси

Лойиҳа ҳақида маълумот.

Қизиқиш билдириш учун сўров ва тендерлар (таклифлар) қуийдаги манзилларда қабул қилинади:

Фарғона вилояти ҳокимлиги, Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси 15-үй.Email: info@ferghana.uzТелефон: 73 244-07-35Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги Тошкент шаҳар, Ш.Рашидов шох кўчаси, 16-үй.Email: pppinfo@ppp.mf.uzAbduvoxidX@ppp.mf.uzТелефон: 71 203-03-07 (701)

Эслатма! Электрон юбориладиган файл ёки файлларнинг ҳажми 10 МБдан ортиғ бўлмаслиги лозим. Шу муносабат билан файлларни ихчамлаштирган 10 МБдан ортиқ бўлмаган ҳолда юборишингиз сўралади ёки қоғоз шаклида тақдим этишингиз мумкин.

"ДХШ тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига биноан, қизиқиш билдириш учун сўров ва тендер таклифлари олинган тақдирда, Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан лойиҳанинг хусусий ташабbusкори ва қизиқиш билдирган учинчи томонлар иштирокида хусусий шерикни аниқлаш учун тендер ўтказилади.

2022-08-09 19:35:37